

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Юлдуз Муртазаевна Хасанова

ҚарМIIИ катта ўқитувчиси

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар:

Инвестиция, хорижий инвестициялар, инвестиция муҳити, инвестиция сиёсати, инфратузилма таркиби, инвестицион лойиҳалар, ташқи иқтисодий фаолият, молиявий имтиёзлар, модернизация, диверсификациялаш.

Аннотация

Мақолада иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда инвестицияларнинг, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти, хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини ошириш бўйича олиб борилган ислохотларнинг таъсири натижасида ижобий аҳамияти асосланган бўлиб, асосий капиталга киритилган инвестициялар бўйича динамикаси кўрсатиб берилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

КИРИШ

Ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан, хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш қийин эмас. Мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларнинг жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир. Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, одамларимизнинг даромади ва ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омили бўлиб, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган таҳзинга сазовор ишлар йилдан-йилга тобора ошиб бораётганлиги эътиборга молик, албатта.

Жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган инвестиция сиёсати юритиш натижасида қатор ижобий натижаларга эришилди. Ўзбекистон ва жаҳон иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан, хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги парламентга йўллаган Мурожаатномасида 2019 йилда амалга оширилган асосий ишлар ва мамлакатни 2020 йил ва кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига

бағишланган Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида иккинчи устувор йўналиш сифатида инвестицияларнинг аҳамиятига алоҳида урғу бериб, "...Иккинчидан, иқтисодий юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарур..." – дея таъкидлаган [1].

Ўтиш иқтисодий мамлакатларида хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий механизмини таҳлил қилиш ҳамда самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш қабул қилинаётган мамлакатлар учун бир қатор афзалликларни юзага келтиради. Хусусан, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий тармоқларини модернизация қилиш ва диверсификациялаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳсулот ва хизматларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Ривожланган давлатларнинг хорижий инвестицияларни жалб қилиш амалиётини унинг бир қатор моделларини чуқур ўрганиш ва уларнинг илғор тажрибасини мамлакатимизнинг ички имкониятлари, инвестицияларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий модернизациялаш ва чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишда тадбир этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар қанчалик кенг кўламли ва бозор иқтисодий талабларига мос ҳолда йўналтирилганлигига қарамадан, инвестиция муҳитини яхшилаш, самарали инвестиция сиёсатини амалга ошириш, ҳудудларда инфратузилмани яхшилаш ва тармоқларда хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган муаммолар етарли бўлиб қолмоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда уларнинг турмуш сифатини яхшилаш мақсадида янги иш ўринларини яратиш, айниқса ҳудудларда ишлаб чиқариш суръатларини кенгайтириш масаласига қаратилган назарий-методологик ва ташкилий масалаларни амалга оширилиши ўта долзарб аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ислохотларнинг изчиллиги талабларига ҳамда инвестиция сиёсатини амалга ошириш, корхоналар ўртасида рақобатлашув даражасини босқичма-босқич амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигининг хорижий тажрибалари М.М.Новиков, А.С.Нешиной, О.С.Сухарев, К.В.Швандар, А.В.Сысоев, В.С.Шапран, Л.В.Шкваря, О.В.Хмыз, Е.Д.Халевинская каби олимларнинг илмий ишлари ва мақолаларида ўрганилган. Хорижий инвестицияларнинг жалб қилиш механизмларини такомиллаштиришда инвестиция муҳитининг таркиби, хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳимлиги, давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг аҳамияти бўйича билдирилган фикрлар таҳлил этилиб, иқтисодий муаммолар ва самарадорлик ўртасидаги нисбат масалалари А.В.Вахобов, Ш.Х.Хажикаев, Н.Г.Муминов, К.Джураева, Н.Ф.Каримов, Р.Ходжаев, Н.Қўзиёва, Л.Р.Шаюсуповаларнинг монография, ўқув-қўлланма, илмий-услубий ишлари ва илмий мақолаларида тадқиқ этилган.[2] Юқорида номлари келтирилган олимларнинг тадқиқотларида хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмларининг концептуал, назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил этиш ва бозор иқтисодийнинг қонуниятига мувофиқ равишда тадбир этилишига қаратилган.

Таҳлил ва натижалар

Бозор иқтисодий шароитида хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмлари таркибида бир қатор ўзгаришлар рўй беради. Ўзбекистон иқтисодийига хорижий инвестициялар улушининг ошиб боришини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- мамлакатдаги инвестиция муҳитининг жозибадорлиги. Яъни, йирик инвестицион лойиҳалар узоқ муддатга мўлжаллаб амалга оширилиши билан характерланади; Авваломбор, хорижий инвесторларга бизнес олиб бориш учун қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги ҳамда

ишончининг ортиб бориши;

- жаҳон товар бозорларидаги ижобий ҳолатлар ва миллий экспорт таркибидаги асосий товарларга қулай нарх конъюнктураси, бунда йирик миллий экспортёрларнинг молиявий имкониятлари кенгайди ва ўзларининг инвестицион лойиҳаларини янада фаоллаштиришга ҳаракат қилиши;
- Ўзбекистон Республикасига киритилаётган хорижий инвестициялар таркибида ижобий ўзгаришлар юзага келмоқда. Жаҳонда иктисодий рақобат кучайиб бораётган бир вақтда барқарорликнинг омили ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ташқи бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллашдир.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитининг яхшиланиши ҳисобига 2019 йил давомида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми 220,7 триллион сўмга етказилиб, тасдиқланган йил прогнозига нисбатан 2 баробарга ўсди. Асосий капиталга инвестициялар ҳажми 189,9 триллион сўмни, 2018 йил кўрсаткичларига нисбатан ўсиш суръати эса 1,3 баробарни ташкил этди. Асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2018 йилда 30 фоиздан амалдаги 36,2 фоизга қадар ўсди. Умумий инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2019 йил натижалари билан 42,1 фоизни ташкил этди. Бунда инвестиция фаолиятининг сезиларли ўсиши 13,3 миллиард долларни ташкил этган ҳолда хорижий инвестицияларнинг оқими ва ўзлаштирилиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар 9,3 миллиард долларни, давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар 4,0 миллиард долларни ташкил этди. Марказий Осиё мамлакатларида хорижий инвестицияларнинг ўсиши ўртача 8-10 фоизни ташкил этган бўлса, Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 2018 йилнинг шу даврига 2,9 миллиард долларни, шундан асосий капиталга 1,6 миллиард долларни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 3,2 баробарни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё мамлакатлари орасида ўсиш суръатлари бўйича етакчиликни таъминлаб келмоқда. Хорижий инвестицияларни республикага жалб қилиш бўйича асосий хорижий ҳамкорларга Хитой, Россия ва Германия етакчиликни эгаллаган. Ўзбекистон иктисодиётига инвестиция киритадиган давлатлар умумий сони 50 тад ан ошди. Қуйида, Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари келтирилган.

1- жадвал 2020 йилнинг январ-март ойларида Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши .[3]

Кўрсаткичлар	млрд.сўм	ўсиш суръати, фоизда	жамига нисбатан улуши, фоизда
Асосий капиталга инвестициялар	33387,3	100	100
<i>Шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	8430,1	25,3	7,3
Республика бюджет маблағлари	1358,1	16	4,1
Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожантириш жамғармаси	137,1	2	0,4
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	928,8	11,6	2,8
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар	6006,1	71	
Марказлашмаган инвестициялар:	24957,2	74,7	92,7
Корхона маблағи	8666,6	35	26,0
Аҳоли маблағи	3376,0	13	10,1
Кафолатланган ва бошқа хорижий	4945,2	20	

инвестиция ва кредитлар			
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	3648,9	15	43,7
Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	4320,5	17	12,9

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, жами инвестициялар ҳажмида, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши, ўтган йилнинг мос давридаги улушига нисбатан 13,0 фоизга камайиб 25,3 фоизни ёки 8430,1 млрд. сўмни ташкил этган. Мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 24957,2 млрд. сўм ёки жами инвестицияларнинг 74,7 фоиз инвестициялари ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичга нисбатан 13,0 фоизга кўпайган. [4]

Иқтисодийга жалб қилинаётган хорижий сармояларни кўпайтириш учун, аввало, инвестиция муҳитини жаҳон амалиётида белгиланган стандартлар даражасига олиб чиқиш лозим. Шу билан бирга, инвестициялар оқимига тўсиқ бўлаётган омиллар, уларни аниқлаш, бартараф қилиш йўллари топиш долзарб аҳамият касб этади. Натижада хорижий инвестициялар мамлакатимиз учун ташқи молиялаштиришнинг муҳим манбаига айлангани, бу юксак инновацион технологияларни жалб этиш ва самарали бошқарувни тадбиқ этиш нуқтаи назаридан катта иқтисодий таъсирга эга. [5]

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири аҳоли фаровонлигини ошириш, уларнинг турмуш сифатини яхшилаш ҳамда ижтимоий соҳа тармоқларининг барқарор ривожланишига эришиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали янги иш ўринлари яратилмоқда, корхоналар замонавий техника технологиялар билан жиҳозланиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб, экспорт даражасига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Юқорида кўриб чиқилган маълумотлар асосида айтиш мумкинки, иқтисодийга хорижий инвесторларнинг кириб келиш оқимини оширишда, хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларининг тобора такомиллаштирилиб борилиши ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини ўрганган ҳолда, хусусан, таҳлилий материаллар мазмунига асосланиб қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари суриш мумкин:

биринчидан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларининг такомиллаштирилиб борилиши ижобий натижани бермоқда. Унинг сабабларидан бири хорижий инвестициялар бўйича қатор афзалликларнинг, ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг ресурс, табиий-иқлимий шароитларнинг етарлилиги, ҳуқуқий асосларнинг ўзгартирилганлиги, давлат томонидан бериладиган кафолатларнинг, имтиёзларнинг, албатта муайян талаблар асосида ошириб борилаётганлигини келтириш мумкин. Шу билан бир қаторда потенциал инвестиция салоҳияти ҳудудлардаги хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги инвестиция инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги, яъни инвестиция фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

иккинчидан, ҳудудларда янги иш ўринларини очиш, аҳоли даромадини ошириш ва маҳаллий бюджетга қўшимча маблағ тушириш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда хорижий инвестициялар учун кенг имкониятлар амалда қўлланилаётган бўлса-да, бу тадбирлар ҳудудларда етарлича самарали ташкил этилмаганлиги намоён бўлмоқда. Шу мақсадда ҳудудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фаолиятини ривожлантириш ишларини олиб бориш зарур бўлади;

учинчидан, кишлок жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига кишлок

аҳолисининг тадбиркорлик билан шуғулланиш борасидаги фикрларини жонлантиришни, ҳудудларда хорижий инвесторларга инфратузилмага оид муаммоларни бартараф этилишини йўлга қўйиш, шунингдек хорижий инвесторлар жалб этилишига қаратилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиш жараёнида сунъий тўсиқлар пайдо бўлмаслигини қаттиқ назоратга олишни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида ҳудудларда хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқаришни кўпайтириш масаласини ҳал этиб, иқтисодий ислоҳотларнинг самарасини янада кенгроқ тадбиқ этиш имконини юзага келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-irziyeevning-oliy-25-01-2020>.
2. Вахобов А.В., Хажикабиев Ш.Х., Муминов Н.Г. "Хорижий инвестициялар" ўқув қўлланма – Т., "Молия" 2010. 324б.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган.
4. www.stat.uz–Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Хорижий инвесторлар билан ишлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. 2019 йил 2 июл.
6. Egamberdiyeva, S. R., & Turobov, S. A. (2021). THE DYNAMICS AND ITS ANALYSIS OF THE INDICATORS OF THE ENTREPRENEURSHIP ACTIVITY OF THE HOUSEHOLDS. *International journal of trends in marketing management*, (1).
7. Эгамбердиева, С. Р. (2021). ISSUES OF INVESTMENT ACCOUNTING IMPROVEMENT IN ECONOMIC REFORMS IMPLEMENTATION. *Экономика и финансы (Ўзбекистан)*, (4), 42-47.
8. Alikulov, A. T. (2022). In Uzbekistan, the use of the Stock Market in Attracting Financial Resources by Corporate Entities is One of the Tools. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2(5), 66-69.
9. Azimova, H. (2019). RISING THE INCOME OF POPULATION–THE GUARANTY OF LIVING STANDARD. *International Finance and Accounting*, 2019(3), 7.
10. Эгамбердиевна, А. Х. (2021). ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ХУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).
11. Muzaffarova, K. Z., Egamberdieva, S. R., & Kudratova, S. M. (2022). Theoretical Foundations of Attracting Foreign Investment in the Region's Economy. *Middle European Scientific Bulletin*, 21, 114-119.
12. Muzaffarova, K. (2021). ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИ АСОСИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ. *Архив научных исследований*.
13. Музаффарова, К. З. (2018). Қашқадарё вилоятининг инвестицион салоҳияти асосида хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг минтақавий жиҳатлари. *Экономика и финансы (Ўзбекистан)*, (12), 46-51.
14. Alisherovich, T. S., & Iskandarovich, R. R. (2021). The Importance of Household Entrepreneurship in Providing Employment. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 177-182.

15. YAKUBOVA, S. S., & RAIMOVA, M. D. THE ROLE OF EFFECTIVE IMPLEMENTATION OF MONETARY POLICY IN A PANDEMIC CONDITION. *THEORETICAL & APPLIED SCIENCE Учредители: Теоретическая и прикладная наука*, (12), 349-352.
16. Turobov, S., Muzaffarova, K., Alimxanova, N., & Azamatova, G. (2020). INCREASING THE FINANCIAL AND INVESTMENT POTENTIAL OF THE HOUSEHOLDS. *Solid State Technology*, 63(6), 141-151.
17. Turobov, S. A., & Azamatova, G. I. (2020). THE OPPORTUNITIES OF DIGITAL ECONOMY AND IMPLEMENTING IT IN THE CIRCUMSTANCES OF UZBEKISTAN. *Theoretical & Applied Science*, (2), 533-537.
18. Туробов, Ш. А. (2019). Оилаларда тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар самараси. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (11).
19. Туробов Шерзод Алишерович & Азаматова Гулсара Исоқовна (2020). ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (2 (134)), 60-65.